O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 310309

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 21 март, № 59 (4722) Шанба

ИСТИҚЛОЛНИНГ КЎРКИСАН, НАВРЎЗ!

Бугун халқимиз эзгу умидлар, янгиланиш ва нафосат айёмини аҳиллик, ҳамжиҳатлик ҳамда зўр хурсандчилик билан нишонламоқда.

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида халқимизнинг маънавий юксалиши йўлида беқиёс ишлар амалга оширилди. Айниқса, аждодлардан мерос қадриятларнинг қадрланиши, уларнинг асраб-авайланиши борасида кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилди. Мустабид тузум давридаёқ азалий айём — Наврўзи оламнинг Ислом Каримов жасорати туфайли тикланиши маънавий ҳаётимиздаги бемисл янгиланиш бўлди. Ота-боболаримиздан мерос бу байрам мустақилликнинг илк йиллариданоқ кенг миқёсда тантана қилиниши ҳар биримизни ғурурлантиради, албатта.



Ифтихор

Бундай байрамлар тинч ва осойишта юртга ярашади. Зеро, хотиржам юртда яхши ниятлар қилинади, эзгу ишлар амалга оширилади. Бугун мамнуният ва фахр билан айта оламизки, Наврўз улуғ шодиёнамизга, катта тантана билан нишонланадиган миллий байрамимизга айланди. Халқимизда "Тўйга тўёна билан" деган гап бор. Шукрки, бизда Наврўз сингари барча байрамларни муносиб нишонлаш учун арзирли ютуқларимиз, муваффақиятларимиз кўп. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш, энг чекка қишлоқ жойларда ҳам шарт-шароитни яхшилаш бўйича кўз-кўз этса арзигулик юмушлар амалга оширилди. Ҳар бир йилнинг ўзига хос тарзда номланиб, махсус дастурлар қабул қилиниши ва уларнинг изчил татбиқ этилиши ҳаётимизда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Президентимиз томонидан 2009 йилга "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб ном берилгани эса бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариб, узоқ қишлоқларимиз қиёфаси ҳам тубдан ўзгармоқда. Давлат дастуридан келиб чиқиб, жорий йилда мамлакатимиз қишлоқларида 1856 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини ишга тушириш кўзда тутилган. Сартарошхона, ҳаммом, пойабзал тикиш ва таъмирлаш корхоналари, фотосалон ҳамда устахоналардан иборат ушбу объектларнинг бунёд этилиши натижасида қишлоқларимиз янада обод ва файзли бўлиши табиий.

Наврўзи олам шукуҳи қалбларимизга кўчган шу кунларда фахр билан айтамизки, истиқлол йилларида Президентимизнинг оқилона сиёсати туфайли дунёга чиқиш, ривожланган мамлакатлар билан бўйлашиш имконияти кенгайди. Ўтган 18 йил давомида барча соҳаларда эришаётган залворли ютуқ ва муваффақиятлар фикримизни тасдиқлайди. Бу ютуқлар боис эндиликда юртимиз довруғи оламаро ёйилмоқда.

Наврўз байрамининг тикланиши ва умумхалқ байрами сифатида нишонланаётгани мамлакатимизнинг маънавий ҳаётидаги катта воқеадир. Биз Президентимиз бошчилигида буюк давлат қуриш йўлидан бораяпмиз. Жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини топган мамлакатимизда ислоҳотларнинг бош мезони, аввало, инсон учун, унинг манфаатлари учун экан, бундай юксалиш маънавиятимизга қаратилган эътиборда ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Ана шундай дадил одимларимизга кўз тегмасин!

Наврўзи олам муборак!

"Йил йилга ўхшамайди", дейди доно халқимиз. Яна айтишадики, "Яхши йил — Наврўзидан маълум". Дарҳақиқат, шундай. Бу йил, айниқса, файзли бошланди. Эрта баҳордан далаларни бахмал майса қоплагани сабабли, чўпонлар сурувини отарга олиб чиқди. Ҳут қуёши заминни қиздириб, деҳқонларга барвақт кетмон тутқазган бўлса, боғбонлар қўлига токқайчисини ҳар доимгидан эрта олдилар.

ДАЛАЛАРДА КЎКЛАМ НАФАСИ

Мавсум

Бугун боғу роғларни кезган кишининг кайфияти кўтарилади, экин-тикинларнинг ривожидан диллар яйрайди. Ахир, амалга оширилаётган кўклам юмушлари ўз самарасини яққол кўрсатаяпти-да.

Жорий йил ҳосили учун 1351,3 минг гектар ерда парваришланаётган ғалла майсаси тиззага урганини айтмайсизми?! Мутахассислар буни асосий майдонларга буғдойнинг тупроқ-иқлим шароитимизга мос бўлган "Крошка", "Половчанка", "Краснодар-99", "Таня", "Москивич", "Чиллаки", "Замин-1", "Андижон-1", "Бобур" ва "Дўстлик" навлари экилгани ва қишловдан беталафот чиққан экин яхши парваришланаётгани билан изоҳлашмоқда. Чунки майсалар ўз вақтида озиқлантирилиб, суғориш шарбат усулида олиб борилаяпти. Бунинг учун 6242,6 минг тонна маҳаллий ўғит жамғариб қўйилгани айни муддао бўлди. Улар ҳар беш гектар ерга биттадан қазилган, жами 229 мингтадан ортиқ ҳандақлар орқали қатор ораларига оқизилаяпти. Натижада ҳам сув тежалаяпти, ҳам ғалла ривожи тезлашаяпти. Бу баракали ҳосилни таъминлаши, шубҳасиз, албатта.

Маълумки, ҳозир қуёш ҳамал буржига оғди. Шамсия йил тақвимидаги бу ойнинг илк куни — Наврўз. Айни шу куни кексалар бош-қошлигида ерга уруғ ташланади. "Ҳамал кирди — амал кирди" деган мақол бежиз айтилмаганидек, бугундан бошлаб ерга тушган уруғ тўлиқ унади, кўчатлар бехато амал олади. Шу боис мамлакатимизда азалдан Наврўзгача экин-тикин амаллари бажариладиган майдонлар кейинги жараёнларга ҳозирлаб қўйилади. Бу йил ҳам шундай бўлди. Давлатимиз томонидан қишлоқ хўжалиги тармоғига алоҳида эътибор қаратилаётгани, моддий қўллаб-қувватланаётгани туфайли чигит қадаладиган, полиз ва сабзавот экинлари етиштириладиган ерларнинг шўри ювилиб, пушта олинди. Бу, ўз навбатида, баҳорги экиш ишларини эртароқ ва сифатлироқ якунлаш имконини бераётир.

Деҳқонларнинг уруғни эрта қадашга шошилишининг яна бир сабаби — ерга тушган уруғ кун санайди. Шу маънода, бугуннинг ҳар куни йилга татийди.

— Наврўз арафасида вилоятимизда биринчи бўлиб бизнинг даламизда ерга чигит тушди, — дейди Гурлан туманидаги "Шомурод" фермер хўжалиги раҳбари Қудрат Шомуродов. — Ўша куниёқ 8 гектар ерда бу юмуш сифатли бажарилди. Эрта-индин қолган 40 гектар майдонга ҳам уруғ қадалади. Бундан ташқари, 7 гектар майдонга беда, 2 гектар ерга полиз ва яна шунча майдонга сабзавот экинлари уруғини сепдик. 43 гектар майдондаги ғалла ривожи ҳам кўнгилдагидек. Эътибор қилган бўлсангиз, бу йилги баҳор экин-тикин ишлари учун жуда қулай келди. Энди бор куч-ғайратимизни чигитни бехато ундириб олишга қаратамиз.

Бугун юртимизнинг қай гўшасига борманг, одамлар қалбида шукуҳли байрам кайфияти ҳукмрон. Улар яхши ният билан экин-тикин ишларини тезроқ адо этишга бел боғлашган. Айниқса, олтинкўллик фермер Қаҳрамонжон Сатторовнинг хурсандчилиги чексиз. Гап шундаки, ўтган йили у раҳбарлик қилаётган "Ҳосил меҳнат кўрки" фермер хўжалигининг 61 гектар майдонида ғўзанинг "Андижон-35" элита нави парваришланган эди. Натижада шартномадаги 201 тонна ўрнига 245 тонна уруғлик ҳосил етиштирилди. Бу йил ҳам мазкур хўжалик ва шу ҳудуддаги 100 гектар майдонга ғўзанинг ушбу нави экилади.

Яна бир ибратли мисол. Экин-тикин ишлари олдидан Марҳамат туманида ўтказилган йиғилишда Қ. Сатторов ўз меҳнат тажрибаси билан ўртоқлашди. Пировардида унга вилоят ҳокими томонидан "Нексия" автомобилининг калити топширилиши фермернинг ўз касбига бўлган меҳрини ўн чандон ошириб юборди, десак, муболаға бўлмайди.

Шу кунларда, шунингдек, жойларда мавжуд боғ-роғларни парваришлаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Эътиборлиси, ана шу боғлар янгилари ҳисобига янада кенгаймоқда. Наврўз олдидан ўтказилган умумхалқ ҳашари кунларида ҳудудларда 26 миллион туп манзарали ва мевали дарахт ниҳоли ўтказилгани шундан далолат беради.

Бу ишдан ҳеч ким четда қолмаётгани таҳсинга лойиқ. Жумладан, Р. Р. Шредер номли "Мева-шарбат" боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси ҳамда унинг филиаллари томонидан бу йил республикамиз тупроқ-иқлим шароитига мос 4 миллион тупга яқин кўчат тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди. Унинг 1 миллион тупи ток, 200 минг тупи атиргул, 2,5 миллион тупи мевали, қолган қисми эса манзарали дарахт ниҳолларидир. Улар тез орада юртимизни боғу бўстонга айлантириши турган гап.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда кўклам нафаси кезиб юрган шу кунларда ҳар бир фуқаро яратувчанлик, бунёдкорлик ишқида яшамоқда. Улар томонидан бекаму кўст бажарилган хайрли ишлар эса турмушимизнинг янада фаровон, ҳаётимизнинг бундан-да гўзал бўлишини таъминлайди.

Икром ЎТБОСАРОВ,
Саид РАҲМОНОВ.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Урганч шаҳрида иш бошлаган «Гиламчи — Карпет» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасига Бельгиядан 392 минг АҚШ долларилик замонавий гилам тўқиш дастгоҳлари олиб келиб ўрнатилди.

«Гиламчи — Карпет» иш бошлади

Натижада бу ерда йилига 80 минг квадрат метрдан ортиқ гилам ишлаб чиқариш имконияти туғилди. Айни пайтда корхонада тайёрланаётган турли ўлчамдаги ранг-баранг гиламлар ички ва ташқи бозорга чиқарилмоқда.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида "Bazar-Art — 2009" кўргазмаси бўлиб ўтди.

Хорижликлар қизиқиши катта

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташкил этган кўргазмада республикамизнинг барча вилоятларидан юздан зиёд усталар ўз асарлари билан иштирок этди.

Тадбирда зардўзлик, тўқимачилик, наққошлик, рангтасвир ва миниатюра, ёғоч ўймакорлиги, керамика, каштачилик сингари йўналишлардаги ҳунармандчилик буюмлари намойиш қилинди.

«Bazar-Art» кўргазма-ярмаркаси давомида «Энг яхши анъанавий тўқимачилик устаси», «Энг яхши анъанавий ўйма нақш устаси», «Энг яхши нақш ва миниатюра устаси», «Энг яхши ёғоч ўймакорлиги устаси», «Энг яхши каштачилик устаси» каби номинацияларда танлов ўтказилди.

О. ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Самарқанд шаҳридаги "Самарқанд LT" Ўзбекистон — Лихтенштейн қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган 15 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг ички бозорда харидори кўп.

Корхона қошида ун цехи

Табиийки, даромад шунга яраша бўлмоқда. Корхона жамоаси ушбу муваффақиятдан илҳомланиб, изланишларни давом эттирмоқда. Яқинда шу изланишлар самараси ўлароқ, полипрапен қоп ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди ва 50 нафар киши иш билан таъминланди.

Ҳозир бу ерда ун цехини ишга туширишга тайёргарлик кўрилаётир.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН, ОҚИЛОНА ЁНДАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Афғонистон муаммоси ҳамда Марказий Осиёда сув ресурсларидан фойдаланиш борасидаги таклиф-мулоҳазалари хорижий давлатларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Дунё нигоҳи

Чет эл мамлакатларининг кўзга кўринган ижтимоий-сиёсий арбоблари, эксперт-таҳлил доиралари вакиллари, оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон раҳбарининг фикрларини шарҳлаб, Президент Ислом Каримов мавжуд муаммолар моҳиятини теран ва ҳар томонлама тушуниши, уларнинг ечимига астойдил ва узоқни кўзлаган ҳолда ёндашишини эътироф этишмоқда.

Жумладан, Ўзбекистоннинг Токиодаги дипломатия ваколатхонаси томонидан ташкил этилган учрашувда Японияннинг ҳукумат, ижтимоий-сиёсий, эксперт ва академик доиралари вакиллари иштирок этди. Меҳмонлар Президент Ислом Каримов томонидан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг мамлакатимизга ташрифи чоғида билдирилган Марказий Осиёдаги вазият борасидаги фикр-мулоҳазалар билан батафсил таништирилди.

Марказий Осиё ва Кавказни тадқиқ қилиш институти ижрочи директори Тецужи Танака икки мамлакат раҳбарларининг Ўзбекистон ва Туркманистон ҳудудидан Афғонистонга ноҳарбий юкларни ташиш тўғрисидаги қарори айни замонамизнинг энг долзарб муаммоларидан бирини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

— Шу ўринда Ўзбекистон Президентининг Афғонистондаги вазиятни ўнглаш борасидаги «6+2» контакт гуруҳи фаолиятини «6+3» кўринишида давом эттириш ташаббусини юксак баҳолаш даркор, — дейди япониялик эксперт. — Минтақада сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммоси ҳақида гапирганда эса мазкур масала бўйича Ўзбекистон билан Туркманистоннинг ўхшаш нуқтаи назарини қўллаб-қувватлаш керак. Минтақадаги сув ресурсларини бошқариш масаласи Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёларнинг ҳам юқори, ҳам қуйи оқимида жойлашган барча беш давлат ўртасида келишувга эришилишини талаб этади.

Кувайтлик сиёсатшунос Фаҳд ал-Микраднинг фикрича, Ўзбекистон ва Туркманистон томонидан турли халқаро анжуманларда айтиб ўтилган трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланишда тегишли халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя қилиш зарурлиги тўғрисидаги нуқтаи назар алоҳида аҳамият касб этади.

— Минтақада сув етишмовчилиги жиддий сезилаётган бир шароитда бу, айниқса, муҳим масалага айланади, — дейди олим. — Дарёларнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатлар 1997 йилги «Халқаро дарёлар оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқлари тўғрисида»ги ҳамда 1992 йилги «Трансчегаравий дарёлар ва халқаро сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги конвенцияларга амал қилиши ҳамда ўз ҳаракатларининг оқибатларини тўлиқ тушуниб етишлари зарур. Тижорий манфаатлар йўлида масъулиятсиз қарорларни қабул қилишга йўл қўйиб бўлмайди, негаки, бу қарорлар халқларнинг тақдири билан боғлиқ. Сув ресурсларидан исрофгарчилик билан фойдаланиш мамлакатларнинг барқарор ривожланиши ва хавфсизлигига таҳдид солади.

Афғонистон муаммоси ҳақида гапириб, сиёсатшунос, жумладан, шундай дейди:

— Афғонистонда сўнгги йилларда юзага келаётган вазият мазкур муаммони мамлакатни қуроллантириш, қурол ишлатиш, ўзаро нафрат ва низони келтириб чиқариш орқали ҳал этиб бўлмаслигини намоён этмоқда. Мамлакат ҳудудига энг замонавий қурол-аслаҳа билан қуролланган кўп миллатли коалицион кучларнинг жойлаштирилиши ҳам кутилган натижаларни бермади. Шу боис можарода иштирок этаётган давлатларнинг ёндашувига кескин ўзгартиш киритиш ва сиёсий мулоқотни бошлаш зарурлиги тобора аёнлашиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг Москвадаги элчихонасида бўлиб ўтган учрашувда **МДҲ мамлакатлари институтининг Ўрта Осиё ва Қозоғистон бўлими бошлиғи Андрей Грозин** Ўзбекистон Президентининг минтақа муаммоларини ҳал этишга бўлган ёндашуви ниҳоятда тўғри эканини таъкидлади.

— Афғонистон муаммосини мамлакатдаги ниҳоятда кескин ижтимоий-сиёсий масалаларни эътиборга олмасдан, ҳарбий йўл билан ҳал этишга уринишлар муваффақиятсизликка учраши муқаррар, — деди А. Грозин. — Афғонистон муаммосини ҳал этиш форматини кенгайтириш

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Қурилиш материаллари: сифатли, арзон нархда

2009 йил февраль-сентябрь ойларида республикамизнинг қишлоқ жойларида цемент, металл маҳсулотлари, деворбоп материаллар сингари қурилиш ашёларини сотадиган **77** та фирма, дўкон ва филиал ташкил этилади.

«Ўзқурилишматериаллари» компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари бу ишнинг масъул бажарувчилари бўлиб, сифатли қурилиш материаллари аҳолига ҳамёнбоп нархда сотилади.

УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН, ОҚИЛОНА ЁНДАШУВ

(Давоми. Боши 1-бетда).

лозимлигини кўпчилик эндигина англаб етмоқда. Ваҳоланки, бунгача Ўзбекистон Президенти бир неча бор Афғонистон бўйича мулоқот гуруҳини «6+3»га айлантириш даъвати билан чиққан эди.

Афғонистоннинг Франциядаги элчиси Ассад Омеру Ўзбекистон Президентининг афғон можароси бўйича билдирган мулоҳазаларига алоҳида эътибор қаратди. «Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарларининг учрашувларини катта эътибор билан кузатиб бордим, — дейди дипломат. — Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Президент Ислом Каримов ўзининг хорижий давлатлар вакиллари билан ўтказадиган барча учрашувларида, халқаро ва минтақавий ташкилотлар минбарларидан туриб, доимо Афғонистон муаммосини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратади. Шу маънода унинг НАТО/СЕАПнинг Бухарест саммитида илгари сурган ташаббуслари янада муҳимроқ аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Президенти Афғонистондаги ҳақиқий вазият бўйича аниқ тасаввурга эга. Ҳозирги вақтда халқаро ҳамжамият, хусусан, НАТОга аъзо давлатлар афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслигини англаб ета бошлади. Ўзбекистон етакчиси эса буни бир неча йил муқаддам айтган эди.

Ҳозирги шароитда Афғонистонда асосий эътибор аҳоли қашшоқлашуви ҳамда ишсизлик билан боғлиқ ўта долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилмоғи зарур. Ўзбекистоннинг ўз ҳудуди орқали ноҳарбий юкларни Афғонистонга ташишга рухсат бериши ўзбек томонининг жабрдийда афғон халқига чин дилдан ёрдам кўрсатишга тайёрлиги, бизнинг муаммоларимизга бефарқ эмаслигини намоён этади. Ўзбекистон Афғонистонга юк ташиш йўналишидаги энг муҳим марказ экани ҳисобга олинса, Ўзбекистон раҳбариятининг ушбу қарори бугунги кунда фавқулодда муҳим аҳамият касб этади».

Хитойда ҳам олий даражадаги Ўзбекистон — Туркманистон музокаралари натижаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, **Хитой замонавий халқаро муносабатлар академияси вице-президенти Цзи Чжие** Марказий Осиёдаги сув-энергетика муаммоларига эътибор қаратди. Ўзбекистон мазкур масалага оқилона ёндашишини эътироф этиб, эксперт минтақада ҳар қандай гидроэнергетика иншоотининг қурилиши унинг минтақадаги вазиятга ўтказадиган таъсири тўлиқ ўрганилгандан кейингина амалга оширилиши лозимлигини таъкидлади.

Шунингдек, ушбу мамлакатда нашр этиладиган **«Lookwe» журнали ҳам** ўз мақолаларидан бирини Марказий Осиёда сувдан фойдаланиш масаласига бағишлади.

«Ўзбекистон Оролбўйидаги вазиятни яхшилашга йўналтирилган жиддий саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда, — деб ёзади нашр. — Улар, жумладан, мамлакатда сувдан оқилона фойдаланиш сиёсатига амал қилиш, сувни тежаш технологияларини кенг жорий этиш, Орол денгизи минтақаси экотизимини асраш, минтақа аҳолисининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, халқаро ёрдамни жалб қилиш каби тадбирларни ўз ичига олади. Шунингдек, Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари билан биргаликда Оролни асраш халқаро жамғармаси, Сувни бошқариш бўйича ҳукуматлараро мувофиқлаштирувчи комиссия доирасида ҳам турли дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда».

Шу ўринда журнал трансчегаравий дарёлар сувидан фойдаланиш, жумладан, уларда гидроэнергетика иншоотларини барпо этиш борасидаги барча қарорлар атроф-муҳитга салбий таъсир ўтказмаслиги ҳамда Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган мамлакатлар аҳолисининг манфаатларига зарар етказмаслиги лозимлигига эътибор қаратган.

Туркиянинг "Yenigun" кундалик газетаси саҳифаларида эълон қилинган, журналист Сердар Ўзтуркнинг мақоласи ҳам ушбу мавзуга бағишланган.

«Марказий Осиё мамлакатлари учун сув ресурслари минтақанинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига таъсир этувчи асосий омил ҳисобланади, — деб ёзади журналист. — Бу ресурслар орасида Амударё ва Сирдарё каби трансчегаравий дарёлар сувлари стратегик аҳамият касб этади. Охирги йилларда мазкур дарёларнинг юқори қисмларида йирик гидроэлектрик иншоотлар қуриш масаласи қизғин муҳокама қилина бошлаши билан уларнинг аҳамияти кескин ортди. Учинчи давлатнинг Марказий Осиёдаги стратегик дарёларнинг юқори қисмларида ГЭСлар қурилиши учун имтиёзли кредитлар ажратиш тўғрисидаги қарори бу ҳаракатларнинг пировард мақсади минтақадаги сув ресурслари бошқарувини ўз назоратига олиш ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида «бош ҳакам»га айланиш, бошқача айтганда, уларни бошқаришдан иборат эканини очиқ-ойдин намоён этди».

Мақолада Президент Ислом Каримов томонидан билдирилган Ўзбекистоннинг нуқтаи назарига алоҳида эътибор қаратилади. У шундан иборатки, трансчегаравий дарёларда гидроиншоотлар қуриш билан боғлиқ ҳар қандай лойиҳалар трансчегаравий дарёлардаги сув оқимининг миқдори ва тартиби бузилмаслиги ҳамда янги лойиҳалар минтақадаги экологик вазиятни издан чиқармаслигини кафолатловчи халқаро мустақил экспертлар хулосаси асосида амалга оширилиши лозим.

«Жаҳон» АА.

Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлиси олдидан

Почта алоқасининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида аҳамияти катта. Зеро, у кўп йиллар давомида жамият аъзоларининг ҳожатини чиқариш, узоғини яқин қилишда қўл келмоқда. Бугунги кунда почта алоқаси нафақат хат-хабар етказиш, балки турли ижтимоий вазифаларни бажариш воситаси ҳамдир. Парламентимиз юқори палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан навбатдаги ялпи мажлисда сенаторлар эътиборига ҳавола этилаётган "Почта алоқаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун мана шу нуқтаи назардан алоҳида ўрин тутади. "Почта алоқаси тўғрисида"ги амалдаги Қонуннинг янги таҳririни тасдиқлайдиган ушбу ҳужжатнинг мазмун-моҳияти хусусида мухбиримиз қўмита аъзоси Ҳамротош ШОДИЕВА билан суҳбатлашди.

ХИЗМАТ СИФАТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ

— Аввало, Қонунни қабул қилишдан кўзланган мақсад ҳақида гапириб берсангиз?

— Мазкур ҳужжат мамлакатимизда почта алоқасининг барқарор иш олиб боришини таъминлаш, ушбу хизматдан фойдаланувчилар манфаатларини ҳимоя этиш, шунингдек, давлат хавфсизлиги ҳамда ҳуқуқ-тартиботни сақлаш сингари эҳтиёжларни қондириш мақсадида ишлаб чиқилган. У амалдаги Қонуннинг тегишли моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни, бир сўз билан айтганда, уни янада мукаммаллаштиришни кўзда тутади.

Қонуннинг 3-моддасида асосий тушунчалар мазмуни очиб берилган. Унда "адресат", "почта алоқаси", "почта алоқаси тармоғи", "пул маблағларининг почта ўтказмаси" каби тушунчалари ўзгаришсиз қолдирилган. Ўз навбатида, моддага "абонемент почта жавони", "курьерлик жўнатмалари", "курьерлик хизматлари", "назорат муддатлари", "почта хизматлари" сингари тушунчалар сингдирилган.

Қонунга мувофиқ, почта алоқаси хизматидан ҳамма эмин-эркин фойдаланади, соҳага оид андоза, норма ва қоидалар ягона бўлади, ёзишмалар сир сақланади, почта жўнатмалари транзитининг эркинлиги таъминланади, қисқача айтганда, фойдаланувчилар ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилади. Зеро, бу сенаторлар эътиборига ҳавола қилинаётган ҳужжатнинг асосий тамойиллари сифатида аниқ белгилаб қўйилган.

— Почта алоқаси соҳасини бошқариш ҳамда тартибга солишда давлатнинг ўрни катта. Бу борада Қонунда бирон-бир ўзгаришлар борми?

— Биз фикр юритаётган Қонуннинг 5-моддасига кўра, почта алоқаси соҳасини давлат томонидан тартибга солиш ягона илмий-техникавий сиёсатни шакллантириш, лицензиялаш, сертификатлаштириш, солиқ солиш йўли билан, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа воситалар билан амалга оширилади.

Бу борадаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган махсус ваколатли орган орқали рўёбга чиқарилади. Махсус ваколатли орган амалдаги Қонунда белгиланган вазифалар билан бир қаторда, почта алоқасини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини шакллантиради, универсал хизматлар тарифларини тасдиқлайди, шунингдек, давлат белгилари коллекциясини, франкирлаш машиналаридан фойдаланиш тартибини белгилайди.

— Қонуннинг учинчи бобига кўра, почта алоқаси хизматлари почта ҳамда курьерлик хизматига ажратилган. Демакки, бу хизматлар ўртасидаги муайян фарқ шундай хулосага туртки берган.

— Ҳа. Янги Қонунга мувофиқ, почта жўнатмаларини, шу жумладан, халқаро почта жўнатмаларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш), уларни тезкор режимда жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) ҳамда пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) почта хизматлари сирасига кирадиган бўлди.

Курьерлик хизматлари эса курьерлик жўнатмаларини жўнатиш ва етказиб беришдан (топширишдан) ташкил топади. Шу нарсага аниқлик киритиш керакки, Қонунга кўра, курьерлик хизматлари деганда, почта алоқаси оператори ёки провайдерининг курьерлик жўнатмалари (қисқа муддатларда қўлдан-қўлга етказиб бериладиган почта варақчалари, хатлар, бандероллар, посилкалар ва босма нашрлар)ни жўнатиш ва етказиб беришга доир фаолият тушунилади.

Қонун нормаларида белгиланишича, почта алоқаси хизматлари доирасида универсал хизматлар ҳам кўрсатилади. Универсал хизматлар орқали фойдаланувчиларнинг почта варақчалари, хатлар, бандероллар ва майда пакетларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мақбул нархларда жўнатиш ва етказиб бериш борасидаги, шунингдек, кўзи ожизларнинг ва улар муассасаларининг секограммалар алмашинуви бўйича эҳтиёжлари қаноатлантирилади.

— Амалдаги "Почта алоқаси тўғрисида"ги Қонунда почта алоқаси операторлари, провайдерлари ва фойдаланувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Айтинг-чи, янги Қонунда ушбу нормаларга ўзгартишлар киритилаяптими?

— Албатта. Қонунда почта алоқаси операторлари, провайдерлари ва фойдаланувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир нормаларга ўзгартиш ва қўшимчалар, шунингдек, таҳririй тузатишлар киритилмоқда. Чунончи, почта алоқаси миллий операторининг мутлақ ҳуқуқлари алоҳида белгилаб берилаётганидан келиб чиқиб, почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг ҳуқуқлари доирасини чеклаш қўзда тутилмоқда. Ўз навбатида, почта алоқаси миллий операторининг почта вагонлари ва қутиларига Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирини тушириш, бошқа давлатлар почта операторлари билан ўзаро муносабатларда ҳамда халқаро ташкилотларда мамлакатимиз манфаатларини ўз ваколатлари доирасида ҳимоя этиш, шунингдек, оддий хатлар ва почта варақчаларини жўнатиш, давлат пенсиялари ҳамда нафақаларини етказиб бериш бўйича хизмат кўрсатишга оид мутлақ ҳуқуқлари сақлаб қолинган.

Қолаверса, Қонунга операторлар ва провайдерларнинг почта алоқасини узлуксиз ва хавфсиз ишлашини таъминлашга оид мажбуриятини кўзда тутувчи норма киритилди. Ҳужжатда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан бир қаторда, мазкур Қонун ва бошқа ҳужжатларга хилоф иш тутилган тақдирда, жавобгарлик масаласи ҳам назарда тутилаётир. Хусусан, Умумжаҳон почта конвенциясининг 23-моддасига мувофиқ, жўнатилиши тақиқланган буюмлар ва моддаларни почта ҳамда курьерлик жўнатмаларига жойлаш ёки уларнинг зарур тартибда ўралмаганлиги натижасида бошқа фойдаланувчиларга, оператор ва провайдерларга етказилган зарар учун жавобгарлик белгилаб қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур ҳуқуқий мажмуа мамлакатимиз қонунчилик техникаси билан уйғун бўлиб, почта алоқаси соҳасида кўрсатилаётган хизматнинг сифатини тубдан яхшилаш, бу борадаги тегишли ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Қобил ХИДИРОВ суҳбатлашди.

Фермер хўжалигининг парҳез маҳсулотлари

Ўзбекистон туманидаги "Умид" фермер хўжалиги жамоаси фермер ва тадбиркорлар учун яратилган имкониятлардан унумли фойдаланмоқда.

Интилиш

Айни пайтда уларнинг қарамоғидаги қорамоллар сони 600 бошга етди.

Яқинда фермер хўжалиги қошида мини сут заводи ишга туширилиб, унга Исроил технологияси ўрнатилди. Ҳозир бу ерда кунига 2 тонна сут қайта ишланиб, 8 турдаги парҳез маҳсулот тайёрланмоқда. Муҳими, ушбу маҳсулотлардан Қўқон ва Фарғона шаҳарлари, шунингдек, туман аҳолиси баҳраманд бўлмоқда.

СУРАТДА: корхона ишчилари (чапдан) Гулчеҳра Ўринова ва Мойила Ашурматова.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Жилғалар қўшилиб дарёга айланганидек, миллий иқтисодиёт ривожини ўзига хос хусусият ва салоҳиятга эга бўлган ҳар бир ҳудуднинг фаол иштирокисиз тасаввур қилиш қийин. Мазкур жараёнда, айниқса, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техникавий қайта қуроллантириш, қувватлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали маҳсулот тайёрлаш ҳажмини кўпайтириш долзарб вазифа бўлиб турибди. Бу борада Наманган вилоятида ҳам кўплаб изчил тадбирлар амалга оширилмоқда.

МОДЕРНИЗАЦИЯ — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Таҳлил

Вилоят фаолларининг 2008 йил якунлари ва 2009 йилнинг устувор вазифаларига бағишланган йиғилишида қўлга киритилган ютуқларни эътироф этиш билан бирга, бой берилган имкониятлар, камчилик ва нуқсонларга ҳам холисона баҳо берилди. Энг аввало, ўтган йили ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришда 12,3 фоиз ўсишга эришилгани, жумладан, мазкур кўрсаткич саноатда 15,2, инвестицияларни ўзлаштиришда 18,9, хизмат кўрсатиш тармоқларида 20,8 фоизни ташкил этганини таъкидлаб ўтиш лозим. Ана шу рақамлар замирида модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш тадбирларини изчил рўёбга чиқариш натижасида молиявий барқарорликка эришган корхоналарнинг самарали меҳнати, ишлаб чиқарувчини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сингари муҳим омиллар мужассам. Якунланган йилда айни шу йўналишда 42 та лойиҳа амалга оширилиб, 5257 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди, минглаб янги иш ўринлари яратилди.

Модернизациялаш орқали технологияни янгилаб бориш ишлаб чиқарувчининг давр билан ҳамқадам бўлишини тақозо этади. Буни, масалан, "Учқўрғонёғ" акциядорлик жамияти фаолиятида яққол кўриш мумкин. Қайта ишловчилар ўз маблағлари ҳисобидан 904,2 миллион сўм сарфлаб, Хитойнинг ёғни дезодорация қилиш технологиясини ўрнатишди. "Меҳмаш" МЧЖда тайёрлаш ва пайвандлаш цехлари технологик жиҳатдан қайта жиҳозланганда сўнг бу ерда мактабларнинг меҳнат дарси хонаси учун махсус столлар, "Машхим" МЧЖда эса қўшимча пўлат эритувчи қуюв цехи ташкил этиш ҳисобига 15 га яқин турда маҳсулот тайёрлаш имконияти вужудга келди.

Янгиликка интилувчи, ташаббускор раҳбар меҳнат жамоасини олға етаклайди. Бироқ айрим кадрларда айни шу фазилат етишмаслиги туфайли корхоналарда ишлаб чиқариш суръатлари пасайиб, молиявий беқарорликга йўл қўйилаяпти. Хусусан, бултур вилоятдаги 8 та корхона саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини аввалги йилдагига нисбатан 11,5 миллиард сўмга камайтириб юборди. Улар орасида "Марвел Джус Ко" қўшма корхонаси ҳам бор. Бу ерда 2008 йил давомида 8559 миллион сўмлик мева шарбатлари тайёрлаш режалаштирилган эди. Амалда мазкур кўрсаткич атиги 7461,5 миллион сўмликни ташкил этди. Бошқача айтганда, 2007 йилдагига нисбатан 5665 минг шартли банка мева шарбати кам тайёрланди. Бунга сабаб нима? Эмишки, кўрсаткичнинг тушишига хом ашё етишмаслиги сабаб бўлибди. Бу нафақат асоссиз, балки кулгилидир. Ваҳоланки, корхона жойлашган Янгиқўрғон тумани мева-сабзавотга кон. Ўтган йили бу неъматларнинг қанчалик сероб бўлгани барчага аён. Аслида гап қайта ишловчиларнинг ишни пухта ташкил эта олмаганликлари, жумладан, боғдорчилик ва полизчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари билан шартномавий муносабатларни изчил йўлга қўя олмаганларида. Ёки "Наманганёғ" АЖда қувватлардан фойдаланиш даражаси атиги эллик фоизни ташкил этгани, устига устак, айланма маблағ танқислиги натижасида асосий хом ашё — чигитни сотиб олиш имконияти етарли эмаслиги оқибатида 2371 тонна тоза ўсимлик ёғи истеъмолчиларга етказиб берилмади. Хўш, вилоят марказида жойлашган, ўзига хос имкониятларга эга бўлган бу корхонанинг чекка ҳудуд — Учқўрғондаги турдош корхонадан қаери кам? Кузатишлар ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги шу сингари ҳолатлар "Нотўқимачи" "Косонсой ип-йигирув", "Уйчинотўқимамато" корхоналарида ҳам ҳукм сураётганини кўрсатмоқда.

Экспорт — вилоят иқтисодий салоҳиятини кўрсатувчи омиллардан бири. Жаҳон бозори талабларига мос, рақобатга дош бера оладиган маҳсулот тайёрлайдиган субъектгина бу имкониятни қўлга киритиши мумкин. Тўғри, Наманганда экспортчи корхоналар анчагина. Аммо бултур уларнинг аксарияти ишни сусайтириб юборди. Натижада бу соҳадаги топшириқ 80 фоизда қолди ёки 110 миллион АҚШ доллари ўрнига 86 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотгина ташқи бозорга чиқарилди. Бунинг оқибатида хорижий ҳамкорлар билан тўқимачилик маҳсулотлари, шарбатлар, болалар таомлари, қуритилган мева етказиб бериш юзасидан тузилган шартномаларнинг кўпи қоғозда қолиб кетди.

"Аснамтекстиль" қўшма корхонаси эса 4,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни экспорт қилиш мажбуриятини олган эди. Ҳақиқатда бу кўрсаткич бор-йўғи 9,8 фоизга бажарилди, холос. "Марвел Джус Ко" топшириқни 4,5, Чустдаги "Голден фрут" қўшма корхонаси 58 фоизга бажариш билан вилоятнинг оёғига тушов бўлишди. Сабабини сўрасангиз, яна ўша гап: айланма маблағ етишмайди, хом ашё захираси етарли эмас. Хўш, бунга ким айбдор? Ахир, етказиб берувчилар билан ўзаро манфаатли шартномалар тузилмаса, тузилганда ҳам, олдиндан тўлов амалга оширилмаса, ким маҳсулотини қўшқўллаб тутқазади?!

Вилоятда ижтимоий-иқтисодий жабҳада йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни тезда бартараф қилиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди. Уларни амалга оширишда республика Президентининг жаҳон молиявий инқирозининг мамлакатимизга таъсири сабаблари ҳамда унинг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида қабул қилинган "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Мазкур ҳужжат асосида жорий йилда корхона ва ташкилотлар маблағлари ҳамда банк кредитлари ҳисобига ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш учун 28 та лойиҳани рўёбга чиқаришга 19669 миллион сўм маблағ йўналтирилади. Натижада 970 та янги иш ўрни яратилиб, корхоналарда меҳнат унумдорлиги ортади, маҳсулот сифати яхшиланади.

Шунингдек, саноатнинг етакчи тармоқларида ишлаб чиқариш харажатларини қатъий назоратга олиш ва самарадорликни таъминлашнинг қаттиқ тартибини жорий этиш, хусусан, материаллар ва энергия сарфини камайтириш, корхоналарни кредит йўли билан қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам ўз натижасини бериши турган гап.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қисқа сатрларда

«Йўрмадўз»нинг кўркам гузари

Тадбиркор Абдуллажон Маъмуров ўзи истиқомат қилаётган Марғилон шаҳридаги "Йўрмадўз" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида янги гузар қуриб, фойдаланишга топширди. Мазкур мажмуа таркибида дорихона, озиқ-овқат дўкони, сартарошхона, гўшт дўкони, умуман олганда, 20 га яқин маиший хизмат ва савдо шохобчаси мавжуд.

М. МАҲМУДОВ.

Изланишлар самара берди

Хаканлик миришкор Нўъмонжон Абдураҳмонов бир неча йиллардан буён тропик минтақалардан келтириладиган мева ва сабзавотни мамлакатимизда етиштириш бўйича изланишлар олиб бораётган эди. Яқинда унинг саъй-ҳаракати самара бериб, иссиқхонада ўстирилаётган банан ва киви ҳосилга кирди. Ушбу меваларнинг таъми ва кўриниши хорижникидан асло қолишмайди.

Айни пайтда Андижон туманилик бу тадбиркор кофе дарахтини парвариш қилаётир. Унинг келгуси йилда ҳосилга кириши кутилмоқда.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Минитехнология шарофати

"Сурхон колбаса" хусусий фирмаси раҳбари Очил Қосимов ўтган йили "Uzbekistan Agrominitech Expo — 2008" савдо-кўргазмасида иштирок этиб, гўштни қайта ишлайдиган минитехнология сотиб олган эди. Шундан сўнг тадбиркор Қизириқ туманидаги қаровсиз бинони таъмирлаб, бу ерда уч турдаги колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Муҳими, иш билан таъминланган ходимлар, асосан, маҳаллий ёшлардан иборат бўлди.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Халқаро фан олимпиадасида қатнашадиган набираси Гулруҳой билан пойтахтга келган фарғоналик Маражаб ота дастлаб Мустақиллик майдонини томоша қилди. Ҳаётида юз берган қанча тало-тўплар, урсурлар, йўқчилик ва муҳтожликлар хаёлидан ўтди. Бугунги кунни ўтмиш билан солиштирди. Ким эди-ю, ким бўлганини ўйлади. Нуроний чеҳрасига мамнунлик балқди. "Етказганингга шукр" деб қўйди.

САЖДАГОҲДЕК МУҚАДДАС ВАТАН!

Дарвоқе, Маражаб ота дилкаш суҳбатдош. У билан гурунг қилсангиз баҳри дилингиз очилади. Баъзан эътибор бермаган нарсаларингга ўзгача нигоҳ билан қарай бошлайсан. Негаки, отахоннинг бир қарашда содда, самимий, жўнгина туюлган гапларининг мағзи тўқ. У не-не кўргуликларни бошдан кечирди, қадди эгилди, лекин иродаси букилмади. Саодатким, эътиқод ва қадриятларни юрагида авайлаб келган миллатимиз Истиқлол туфайли фаровонлик, тинчлик ва хотиржамликка етди, қарангки, буларнинг барчаси Маражаб ота ва унинг оиласи ҳаётида тўлиқ намоён.

Ҳар икки гапнинг бирида "Шу кунларга етказганига шукр" деган каломни ботбот такрорлайдиган отахон бугуннинг қадрини, инсонга кўрсатилаётган иззат-икромни, оиланинг тинчи ва фаровонлигини, фарзандлар камолини кўриш қувончини ҳеч нима билан қиёслаб бўлмаслигини ҳаммадан кўра яхшироқ билади.

Мустабид тузум отасини ёт ўлкаларга бадарға этганида Маражаб беш ёшда эди. Куйиб адо бўлган онаизорнинг мўлтираб турган ўғлига:

— Бўйинг нон қутига етиб қолгандайди, оч қолмасдинг. Энди сен нима қиларкансан, пешонангда не ёзув бор экан, болам, — дегани элас-элас эсида.

— Бўйим нон қутига-ку, етган, аммо қўлим нонга етмаган, болам, — дейди у кунларни хотирлаб ота. — Онам вафотидан сўнг амаким қўлида қолдим. Умримнинг энг қайноқ даври азоб-уқубат, хор-зорликда ўтди. Қирқ беш йил далада сувчилик қилдим, одамларнинг мол-қўйини боқдим.

Ота мижжасидаги ёшни артиб сўзлашда давом этади.

— Энди, болам, ҳар нарсанинг ўз баҳоси, қадри бўларкан. Шуни кеч тушундик. Ҳатто пенсияга чиққунимча Тошкентни кўрмаганман, десам ишонавер. Биров юр, демагандан кейин даладан бери келмай ётавергандмизда. Тўқсонинчи йил кузида пенсияга чиқдим. Шундан сўнг онадан қайтадан туғилгандай бўлдим.

Ҳа, айтганча, ота катта оила бошлиғи. Тўрт ўғил, уч қиз, ўттиз невара, беш чевара. Не сиру синоатки, Қўқондан нарини кўрмаган оддий кекса сувчи бугун дунёни кўряпти. Ҳаж амалларини адо этиш учун Саудия Арабистонида бўлди.

Шукрона

Фермер ўғли Юсуфали билан Японияда таҳсил олаётган набираси Ҳумоюнмирзони кўриш баҳонасида кун чиқар мамлакатга борди.

— Росаям содда бўлган эканман-да, — дейди ўтмишини эслаб ота. — Ҳозир ўйласам кулгим қистайди: шамол учириб кетади, деб уй томига шифер ёпмаганмиз. Чакка ўтаверганидан ҳар йили томни лойсувоқ қилардик. Тўсинлар устидаги оғир юкни кўтаролмай синиб, ичкаридаги одамларга шикаст етганини кўрганмиз. Аслида бунинг сабаби йўқчиликда эди. Кунини зўрға кўраётган одамларда пул қайда эди, дейсан. Ҳозир қара, қишлоғимизда шифер ёпилмаган уйни тополмайсан. Шамол эса ҳалиям бор, бироқ шиферни учирганини кўрганимиз йўқ. У пайтлардаги гувалак уйлар энди йўқ. Барчаси янги, замонавий. Айримлари қўшқаватли. Ҳамқишлоқларнинг ҳар тўрттасидан биттасида енгил автомашина...

Отанинг икки ўғли фермер. Бирида эллик, бирида қирқ беш гектар ер бор. Икки ўғли, икки қизи тадбиркор. Савдо дўкони, ошхона, тикувчилик цехи, сартарошхона ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Ҳаммаси бир жойда — қишлоқ марказидаги гузарда.

Қора меҳнатдан бошқасини билмаган мендек оддий бир одамга шундай имкониятни яратиб берган Истиқлолни алқайман, Президентимизнинг азиз боши омон бўлсин, эл-юртимизга тинчлик-осойишталик берсин, ривожимизга кўз тегмасин, деб дуолар қиламан. Қишлоқ ёшларига, фарзандларимга қайта-қайта айтаманки, бу кунларнинг қадрига етинглар, болаларим, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор...

Дарҳақиқат, бу кунларни кўрмаганларнинг армони одамни маъюс ўйларга чўмдиради. Аммо давру даврон кўраётган нуроний отахонлар, тўйлар тўрида ўтирган фариштали момоларнинг қўллари дуога очилаётгани, юртимизда битмас-туганмас шодликлар, қувончлар ортидан шукроналар ўқилаётгани кўнгилларни ажиб бир ҳузурбахш этади. Алҳол, шуни тушунган инсон Истиқлолимиз, бугунги тинч ва осойишта ҳаётимиз, саждагоҳимиз бўлмиш Ўзбекистонимиз қадрини янада теранроқ англаб етади.

Абдужалил БОБОЖОНОВ.

Тадқиқот

Ўзбекистон Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси ҳузуридаги Тошкент геология музейи олимлари янги минерални кашф қилишди.

Кашфиёт давом этади

У Чотқол тоғ тизмаларининг шимолий ён бағридаги Кошмонсой дарёсининг юқори қисмидан топилди. Халқаро минерология ассоциациясининг янги минераллар, номенклатура ва классификация бўйича комиссияси томонидан бу янгилик тан олинди.

Айтиш жоизки, Мавлоновит (ушбу минерал академик Фани Мавлонов номи билан аталадиган бўлди) минерали устида ўтказилган тадқиқотлар мазкур тош бўлагида яна иккита номаълум минерал борлигини кўрсатди. Демак, кашфиёт ҳали давом этади...

Мафтуна ҲАМИДОВА.

«МУНОСИБ ФАРЗАНД БЎЛСАМ ДЕЙМАН»

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларнинг навбатдаги чақируви ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида"ги қарори асосида Ватан олдидаги фарзандлик бурчини адо этганлар бугун ўз қадрдонлари бағрига қайтмоқдалар.

Нукус темир йўл вокзалида аскарларни кутиб олишга чиққан отаоналарнинг қувончи чексиз. Чунки миллий армиямиз сафларида хизмат қилиб, ҳам жисмонан, ҳам маънан камолга етган, куч-қувватга тўлган жигарбандини кўрган ҳар қандай ота-онанинг бундай дамларда ўзини бахтиёр ҳис этиши шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимиз мудофаа қобилияти мустаҳкамланиб, Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш, ихчам, тезкор, юксак тайёргарликка эга бўлган профессионал асосдаги армияни шакллантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳарбий хизматчиларга яратиб берилаётган турли имтиёзлар, шарт-шароитлар, ҳарбий қисмлардаги юксак маънавий-ахлоқий муҳит туфайли аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида армияга муносабат тубдан ўзгарди. Муқаддас бурчни ўташ ниятида бўлганлар сафи кенгайди.

Мардлар қўриқлайди Ватанни

— Ўзимга билдирилган ишончни оқлаб, яқинларим, дўсту биродарларим олдига ёруғ юз билан қайтганимдан жуда хурсандман, — дейди Самарқанд вилоятида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган Икром Бўзлибоев. — Армия туфайли дунёқарашим кенгайди, билимларим мустаҳкамланди, жисмоний тайёргарлигим ошди. Муддатли ҳарбий хизматга кетаётганимда кузатиб қўйган тенгқурларим, шу ўтган вақт мобайнида мендаги ўзгаришларни кўриб, ҳавас билан қарашганида, тўғриси, ич-ичимдан ғурурланиб кетдим.

Армияга чақирилмасимдан олдин касб-ҳунар коллежида таҳсил олганман. Энди олий ўқув юртига кириб ўқимоқчиман. Келажакда юртимиз равнақига ҳисса қўшадиган муносиб фарзанд бўлсам дейман.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларнинг ҳар бирида шундай соғлом фикрнинг шакллангани, ҳаётга муносабати янада яхши томонга ўзгаргани қувонарлидир. Ана шундай мард ўғлонлардан бири Зинатдин Ережеповдир.

— Армияда хизмат қилиб, унинг бежиз ҳаёт мактаби дейилмаганига амин бўлдим, — дейди у. — Бизни катта ҳаётга тайёрлашда бу масканнинг ўрни беқиёс. Фикримча, келгусида ўқиб, ишга жойлашиб, элга нафимиз тегса, бу билан чинакам юртпарварлик намунасини кўрсатган бўламиз.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларни кутиб олиш маросимига чиққан жамоатчилик вакиллари, ҳарбийлар, ота-оналар ҳам яхши ниятларини билдириб, ёшларнинг келажакдаги ишларига муваффақиятлар тилашди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Гаровга олинди

"Reuters" ахборот агентлигининг хабар қилишича, Аден кўрфазида 24 нафар йўловчиси бўлган кема қароқчилар томонидан гаровга олинди.

Мазкур кема Сент-Винсент ва Гренадин давлати байроқлари остида Жанубий Кореядаги бандаргоҳларнинг биридан йўлга чиққани айтилмоқда. Греция мудофаа вазирлиги кема экипажи аъзоларининг уч нафари Греция фуқароси эканини маълум қилди.

Самолёт қулаб тушди

Эквадор пойтахти Кито шаҳрида ҳарбий самолёт ҳалокатга учради.

Ахборот агентликлари тарқатган хабарларга кўра, бахтсиз ҳодиса туфайли етти киши ҳаётдан кўз юмган. Гувоҳларнинг билдиришича, ҳаво лайнери кўп қаватли уйга келиб урилган. Эслатиб ўтамиз, дастлаб фожиа уч кишининг умрига зомин бўлгани маълум қилинганди.

Жангарилар йўқ қилинди

Афғонистон жануби-шарқида жангариларга қарши махсус операция ўтказилди.

Герешк туманида амалга оширилган тадбирда Афғонистон миллий армияси ва коалиция кучлари иштирок этди. Махсус операция вақтида 30 нафар жангари йўқ қилинган. Ҳарбийлар кўрган талафот эса ҳозирча номаълум.

Энергия билан таъминлайди

Айни пайтда Халқаро космик станцияда иш олиб бораётган америкалик астронавтлар Стивен Свонсон ва Ричард Арнольд олти соат мобайнида очиқ фазода бўлишди.

Бу вақт ичида улар станцияга қуёш батареяларини ўрнатишди. Астронавтларнинг очиқ самога кейинги чиқишлари 21 ва 23 март кунларига белгиланган.

Таъкидлаш жоиз, ушбу қуёш батареяларининг ишга туширилиши Халқаро космик станцияни энергия билан таъминлаш имконини беради.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.





«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Тез пул ўтказиш» хизмати Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! ТЕЛ.: 237-21-93, 237-16-24. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

АРДОҚДАДИР АЗАЛИЙ УДУМ

Ўтмишда офтоб ҳамал буржига кирган вақтда тоғликлар кўч-кўронини далага олиб чиқиб, "ҳамал кирди – амал кирди", дея баҳорги экин-тикин ишларини бошлаб юборганлар.
Айни кунларда ҳам Қоратоғ этаклари бўйлаб кетган қўрғонлар зумрад либосга бурканиб, ўз жозибасини кўз-кўз қилиб турибди. Бу қишлоқлар сира бир-бирига ўхшамайди. Ҳар бири мафтункор, тароватли турфа ўсимликлар дунёси билан ўзига жалб этади.

Қадрият

— "Чашмаи нур" булоғи табиатнинг бетакрор мўъжизаси, — дейди Нурота тумани табиий-меъморий мажмуа раҳбари Шавкат Исмоилов. — Бу ердаги илоҳий куч-қудратни тил билан ифодалаш амримаҳол. Чашма сеҳри инсонни ўзига беихтиёр ром этади. Натижада киши руҳан покланади...

Шу боисдан бўлса керак, ҳар йили маҳаллий аҳоли кўкламги ишларини Нур булоғининг ҳашаридан бошлайдилар. Зеро, чашма ҳаёт боши саналади. Ҳар дақиқада 320-350 литр сув Нурота шаҳридаги тўртта ариқда тўхтовсиз оқиб, хонадонларга обиҳаёт ато этади. Икки кун давом этадиган ҳашарда йигирма километрдан зиёд масофадаги тўртта ариқ тозаланади.

— Наврўз байрамини гуллар билан қаршилаш одатга айланган, — дейди тадбиркор Манзура Орипова. — Баҳорнинг биринчи чечаги — бойчечакни бахт-саодат хабарчиси сифатида бир-биримизга совға қиламиз. Ёши улуғ отахону онахонлар бойчечакни кўзларига суртиб, тавоф этадилар. "Омонлик-сомонлик", дея замонага шукроналар айтадилар.

... Нурота тизмаларининг энг баланд нуқтаси Форишнинг Ухум қишлоғи бўлиб, бу тоғлар бағрида сизиб чиқадиган шарқироқ сувлар шимол томонга оқади.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

— Сентобсой, Субсой, Симбулоқ, Каттасой ва Кичиксой, — дейди навбатдаги суҳбатдошимиз, "Нурота" наслчилик ширкат хўжалиги ишчилар қўмитасининг раиси Муҳаммад Эрмаков, — ўзининг тиниқлиги билан машҳур бўлса, аҳолиси меҳнатсеварлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон "Швейцарияси" ҳисобланган бу қўрғонларда баҳорнинг шоҳ таоми — сумалак, гўжа, ўмоч каби дармондориларга бой қадимий таомлар пиширилиб, дастурхонга тортилади. Чунки бу овқатлар илиг-узилди пайтида кишиларга қувват бахш этади.

Айни чоғларда Нуротанинг олис жойларидаги тоғли-боғли бу гўшаларда Наврўз таомлари, кўкатли чучвара (ялпизли), кўк сомса (исмалоқли), кўк патир, кўк бичак ҳамда бири-биридан тансиқ таомлар дастурхонга қўйилади.

Бу удум Фозғон, Деҳибаланд, Чашма, Саиджон Эшон, Чўпонобод, Чуя, Янгибино, Оққула, Хайробод, Жарма сингари қишлоқларда ҳам ўз эъзозини ҳозирга қадар топиб келаяпти.

Наврўз айёмида бу гўшаларда халқнинг оммавий сайли ўтказилади. Унда арқон тортиш, полвонлар кураши, дорбозлик, хўроз, қўчқор уриштириш ўйинлари авж олади. Байрамда ширинликлардан ҳолвайтар, лавз ҳолваси, кунжутли ҳолва, қўйингки, ўттиздан зиёд ширинликлар дастурхонга тортилади.

— Наврўзда, — дейди 84 ёшли оқсоқол Фофур Наврўзов, — барчанинг ораста кийим кийиши ҳам қоидалардан биридир. Чунки байрам арафасида тикилган бош ёки оёқ кийими байрам кунида кийилса, ўша инсоннинг тани сиҳат, умри узоқ бўлиб, ҳаётда бахтиёр яшайди, деган нақл бор.

Улуғ аждодларимиздан қолган Наврўз ҳикматлари бугун ҳам ардоқланиб келинмоқда. Наврўз куни оилада қиз туғилса Наврўзгул, ўғил бўлса, Наврўзбек деб ном берилади. Байрам кунида момолар "Чақалоқни бешикка белаш" расм-русумини адо этиб, бешик устидан гул ва ширинликлар сочиб, гўдакнинг бош кийимига бойчечак тақадилар. Сочилган ширинлик ва гулларни маросим қатнашчилари талашиб-тортишиб олишади, хонадон шаънига яхши ниятлар билдиришади. Шундан сўнг момолар тўрга ўтқазилиб, сарупо кийдирилади ва чақалоқ шаънига қўшиқ айтилади.

Нуроталиклар Наврўзда пиширилган идишдаги сумалакка жимжилоқни ботириб, айлантириб, уч марта татиб кўрадилар. Бу Наврўзга соғ-саломат етиб келинганлиги ва келгуси бу айёмларга ҳам хушкайфият билан етиб бориш вожиб бўлиши истагини англатади.

Мухтасар айтганда, шодумон кунларда бағри нурга тўлган элимиз тозалик, ободончилик, меҳр-оқибат билан Наврўз айёмини қарши олмоқда. Наврўз мукаррамлиги уларни яшнаш, яшариш, янгиланиш чўққилари сари етаклаётир.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бу йилги Наврўз Жиззахдаги 29-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун қувончли келмоқда.

Беминнат ҳиммат

Яқинда Пахтакор туманидаги "Анвар-А", Жиззах туманидаги "Темир Иброҳим" ҳамда Зафаробод туманидаги "Муқум" фермер хўжаликлари мазкур муассаса қошидаги "Меҳржон" дастасига 7 турдаги мусиқа асбобларини тақдим этди.

Шунингдек, вилоят ўрмон хўжалиги жамоаси тарбия маскани ҳудудини ободонлаштириш ташаббуси билан чиқиб, 100 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазди. Бошқа бир қатор ҳомийлар кўмагида эса гулзорлар барпо этилди. Қувончдан кўзлари порлаётган болажонлар эса чин дилдан "Меҳрибонлар бор бўлсин", дейишмоқда.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Гўзал ва улуғ байрам Наврўз сарчашмалари аждодларимизнинг коинот, Қуёш, Ерга бўлган эътиқодлари асосида вужудга келган. Бундан 4-5 минг йил илгари одамлар Қуёшни энг буюк куч, ҳаёт чашмаси, ёруғлик ва иссиқлик манбаи, деб билганлар. Шу маънода Наврўз ҳам коинот ва табиат қонунлари, қуёшнинг ҳамал буржига кириши, кеча ва кундузнинг вақт жиҳатидан баробар бўлиши, кундузнинг узая бориши, табиатда жонланишнинг бошланиши, баҳорнинг келиши билан боғлиқ бўлган.

ФАЙЗЛИ КУНЛАР САОДАТИ

Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида Наврўз асрлар давомида мазмунан чуқурлашиб, шаклан бойиб борди. Унинг мазмуни яратилиш, бунёдкорлик, яхшилик, эзгулик каби тушунчалар билан уйғунлашиб кетади.

Айтиш жоизки, мустамлакачилар севимли байрамимизни тақиқлашга ҳаракат қилдилар. Айниқса, шўролар даврида Наврўзнинг аҳволи аянчли кечди. Халқнинг миллий анъаналари шўроларнинг мақсадига мос келмаганлиги учун, унга қарши расмий ва норасмий кураш олиб борилди. У "колхозчилар сайли", "навбаҳор", "кўклам" ва бошқа номлар билан ўзгартириб кўрилди, байрамнинг эзгу моҳиятини бузишга ҳаракат қилинди.

Анъана

Шукрки, Президентимизнинг қатъияти ва саъй-ҳаракати туфайли Наврўз қаддини тиклади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Наврўзининг 5 минг йиллик эски тарихи ҳамда ўзига хос, такрорланмас, жозибали 20 йиллик янги тарихи мавжуд. Эндиликда юртимизда Наврўз катта тантаналар билан нишонланмоқда.

Мамлакатимизда Наврўзолди тадбирлари анча аввал бошланади. Байрамга ҳозирлик кўриш режаланади ва уни ўтказиш тадбирлари белгиланади. Тайёргарлик жараёни якунига етгач, Тошкент шаҳрида ватанимиз миқёсидаги бош тадбир — йирик театрлашган томоша бўлиб ўтади. Бу томошаларда баҳорни кутиб олиш, табиатнинг янгиланиши, дилларнинг покланишига ва янги меҳнат мавсумига бағишланган куй, қўшиқлар янграйди.

Наврўз арафасида ҳовлилар, уйлар, кўчалар тозаланиб, безатилади. Кекса ва беморлар зиёрат қилинади, отаоналар, устозлар ва табаррук ёшдаги кишилардан хабар олинади, ўзаро араздашган, гина-кудрат қилганлар яраштирилади.

Қашқадарё вилоятининг Арабхона қишлоғи Наврўз базмининг ўз қонун-қоидалари бор: Наврўздан уч кун олдин ўрик туршагидан шарбат тайёрлаб қўйишади. Янги келин олган қайнона ва қайноталар турли-туман таомлар пишириб, гилам-кўрпача, дастурхон, чойнак-пиёлаларини олиб баланд тепалик устига чиқишади. У ерда дастурхон ёзиб, қўй сўйиб, барча келин томоннинг қариндош-уруғларини чақириб бир косадан ўрик шарбати беришади. Кейин қўй гўштидан тайёрланган ширин, мазали ошга таклиф этадилар.

Форишда эса Наврўз табиат қўйнида "Қизилқир" сайилгоҳида катта байрам томошаси ва концерти билан бошланади. Ундан кейин кураш, арқон тортиш, от спорти мусобақалари, халқ ўйинлари бошланади. Тушлик вақтида дастурхонлар ёзилиб, ёру дўстлар, қариндош-уруғлар ва танишбилишлар зиёфатга таклиф этилади. Наврўз дастурхонида "шоҳона" таом — сумалакдан ташқари, барак (кўкатдан қовуриб тайёрланган чучвара), бичак (кўкатли сомса), қоқи (салати), юпқа (қуймоқ), ун оши, гўжа, кулчатой, қатлама, ғилминди, ширвоз кабоблари ўрин олади.

Тоғларга туташ қирда ўтказиладиган Ургут Наврўзи, айниқса, тантана, маросим, томоша ва мусобақалари билан барчани лол қолдиради. Қирга 50 мингга яқин киши тўпланади. Наврўз байрами бошланишидан аввал болалар бойчечакларни кексаларга тақдим этишади. Сўнг "Келин салом" маросими бошланиб, келинчаклар меҳмонлар ҳурматини бажо келтириб, ибо билан таъзим қиладилар.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Наврўзи халқимиз учун покланиш, янгиланиш ва яшариш, маънавий юксалиш байрами бўлиб, йилдан-йилга камол топмоқда. Қадимий Наврўз ҳам ўзининг буюк моҳиятини сақлаб, ҳам янги ғоялар билан бойиб, аҳиллик, тотувлик, халқларнинг бирдамлиги ва дўстлиги байрамига айланди.

Усмон ҚОРАБОЕВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.

Спорт ● Sport ● Спорт

Халқаро турниردан бешта медаль

Ҳиндистоннинг Чандигар шаҳрида бокс бўйича халқаро турнир якунланди.

Мазкур мусобақада муваффақиятли қатнашган боксчиларимиз юртимизга бешта медаль билан қайтиб келишди.

Жумладан, Фаррух Қиличев (75 кг.) олтин, Орзубек Шоимов (54 кг.), Камолиддин Аҳмедов (60 кг.) кумуш, Алишер Маҳмудов (48 кг.) ва Аҳрор Миралимов (91 кг.) бронза медалларини қўлга киритдилар.

Халқаро турнирда ўндан ортиқ мамлакатдан келган 120 нафар "чарм қўлқоп" устаси ғолиблик учун рингга чиқди.

Даъвогарлар маълум

Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (ФИФА) томонидан 2018 ва 2022 йилларда ўтадиган жаҳон чемпионатлари мезбонлигига даъвогар мамлакатларнинг якуний рўйхати эълон қилинди.

Рўйхатдан Австралия, Англия, Индонезия, Япония, Мексика, Қатар, Жанубий Корея, Россия, Бельгия ва Голландия (биргаликда), Испания ва Португалия (биргаликда) давлатлари жой олган.

Шулардан Қатар ва Жанубий Корея фақат 2022 йилги жаҳон чемпионати мезбонлиги учун ўз номзодини тақдим этган. Қолган ўн мамлакат эса ҳар иккала жаҳон чемпионатлари мезбонлигига даъвогар ҳисобланишади.

ФИФА регламентига мувофиқ, мундиал ўтадиган мамлакатда ҳар бири 40 минг томошабинга мўлжалланган 12 та стадион бўлиши лозим. Тантанали очилиш маросими ва финал беллашуви ўтказиладиган стадион эса ўз бағрига энг камида 80 минг футбол ишқибозини сиғдира олиши талаб этилади.

Мазкур жаҳон чемпионатлари қаерда ўтиши ФИФАнинг 2010 йил декабрь ойидаги навбатдаги йиғилишида расман эълон қилинади.

Шахмат усталари сараланади

Шу йилнинг 15-29 апрель кунлари Нальчик (Россия) шаҳрида Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ Гран-присининг навбатдаги босқич мусобақаси бўлиб ўтади.

Таъкидлаш лозимки, Гран-при беллашуви бўлажак жаҳон чемпионатига саралаш вазифасини ҳам ўтайди. Турнир низомига биноан, олти босқичли Гран-прида энг яхши кўрсаткичга эришган шахматчи келаси йили уюштириладиган жаҳон чемпионлигига даъвогарлар турнирида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади. Бу ерда ғолиб чиққан шахматчи эса 2011 йили амалдаги чемпион билан шахмат тожи учун кураш олиб боради.

Нальчикда ўтказиладиган мусобақанинг мукофот жамғармаси 162 минг евро ташкил этади. Унда дунёнинг 14 нафар кучли гроссмейстери ғолиблик учун дона суради. Улар орасида ҳамюртимиз, собиқ жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ҳам бор.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.

Спорт ● Sport ● Спорт

Газетамизнинг навбатдаги сони 22 март, якшанба куни чиқади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Барча турдаги коммунал хизматлари тўловларини қабул қилади Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! ТЕЛ.: 233-57-47. ФАКС: 236-09-21. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 53053 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.20 Топширилди — 23.20 7